

**РЕСПУБЛИКАИХТИСОСЛАШТИРИЛГАНОНКОЛОГИЯ
ВАРАДИОЛОГИЯИЛМИЙ–
АМАЛИЙТИББИЁТМАРКАЗИҲУЗУРИДАГИИЛМИЙДАРАЖАЛАРБ
ЕРУВЧИ**

**DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01РАҚАМЛИИЛМИЙКЕНГАШ
РЕСПУБЛИКАИХТИСОСЛАШТИРИЛГАНОНКОЛОГИЯВА
РАДИОЛОГИЯИЛМИЙ–АМАЛИЙТИББИЁТМАРКАЗИ**

ХАСАНОВ ШЕРАЛИ ТОШТЕМИРОВИЧ

**ҚОВУҚ ИНВАЗИВ САРАТОННИНГ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШДАГЕТЕРОТОПИК ҚОВУҚ РЕЗЕРВУАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2021

Фалсафа доктори(PhD)диссертациясиавторепфератимундарижаси

Оглавлениеавторепферата диссертации доктора философии (PhD)

Contentofdissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хасанов Шерали Тоштемирович

Ковук инвазив саратонининг хирургик даволашдагетеротопик қовук резервуари.....

2

Хасанов Шерали Тоштемирович

Гетеротропическиймочевойрезервуарвхирургическом лечении инвазивного рака мочевого пузыря.....

24

Khasanov Sherali Toshtemirovich

Heterotropic urinary reservoir in surgical treatment of invasive bladder cancer

46

Эълонқилинганишларрўйхати

Списокопубликованныхработ

Listofpublishedworks.....

50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВ ШЕРАЛИ ТОШТЕМИРОВИЧ

**ҚОВУҚ ИНВАЗИВ САРАТОННИНГ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШДА ГЕТЕРОТОПИК ҚОВУҚ РЕЗЕРВУАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2021

Фалсафа **доктори** **(PhD)**
диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib939 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология варадиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати иккитилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухаммедаминов Шухрат Каримович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Рустам Носирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт институт**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология варадиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология варадиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс маркази даниши шумкин _____ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунитарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А.Гофур-Охунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х.Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD)диссертациясианнотацияси)

Диссертациямавзусинингдолзарблигивазарурати.Дунёда атроф–муҳит омилларнинг салбий таъсири, саноат ва қишлоқ хўжалигидан турли кимёвий моддаларнинг ишлатилиши, сийдик йўли касалликларининг самарали ташхислаш ва даволаш тизимининг издан чиқиши онкологик касалликларнинг ривожланиши олиб келади. Олинган маълумотларга кўра қовуқ саратони (ҚС)–сийдик йўллариининг энг кўп учрайдиган хавфли ўсмаси бўлиб, тарқалиши бўйича онкопатология таркибида эркаклар орасида 7- ва аёллар орасида 17-ўринни эгаллайди.Бугунги кунда дунёда ҚС билан«...2,7 млн инсонларнинг шикоят қилган бўлса, йилига 380 мингдан ортиқ янги ҳолатлари ташхисланади. Ушбу касаллик 150 минг кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда, бунда жинслар нисбати 3,8:1 га тенг. АҚШда қовуқ саратонининг босқичлари бўйича ёш градациясини асослаш асосида умумий ва махсус таҳлили ўтказилган давомида беш йиллик умр кўриш давомийлиги ва ўлим кўрсаткичлари исботланган...»¹.Ушбу йўналишда тадқиқотларни олиб бориш қовуқ инвазив саратонида операцияларни амалга ошириш режасида хирургик даволаш тактикасининг ўзига хослигини баҳолаш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда қовуқ инвазив саратони хирургик даволашда гетротопик қовуқ резервуари натижаларини яхшилашда замонавий ёндашувларни асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қовуқ саратони билан хасталанган беморларни радикал цистэктомия ёрдамида ичакнинг проксимал қисмидан ажратилган ҳолда детубуляризациясиз модификацияланган қовуқ резервуарини шакллантириш, радикал цистэктомия ёрдамида йўғон ичак проксимал қисмидан детубуляризациясиз модификацияланган ичак қовуқ резервуарини шакллантириш билан қовуқ саратони билан хасталанган беморларда метаболик бузилишлар ривожланишига таъсир қилувчи омилларни асослаш, йўғон ичак континент қовуқ резервуарини шакллантириш учун тавсия этилган услубнинг функционал самарадорлигини ва модификацияси аҳамияти ва даволаш тактикасини амалга ошириш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни белгилашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишалоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш,

¹Babjuk M, Burger M, Zigeuner R, et al; members of the EAU Guidelines Panel on Non-muscle-invasive bladder cancer. Guidelines on Non-muscle-invasive bladder cancer (Ta, T1 and CIS). Edition presented at the EAU Annual Congress Stockholm 2017. ISBN 978-90-79754-65-6. <http://www.uroweb.org/guidelines/online-guidelines>

патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»²каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда беморлар орасида ўсма касалликларини ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фанватехнологияларивожланиши–нинг устуворйўналишларга мослиги. Мазкуртадқиқот республика фанватехнологиялар ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонингўрганилганликдаражаси.Меъда, чамбар ичак, илеоцекал бурчак, йўғон ичак кўтарилувчи қисми, сигмасимон ичак, тўғри ичак, деярли бутун меъда-ичак трактидан шакллантирилган континент қовуқ резервуари ва артифициал қовуқ шакллантириш кўп сонли вариантлари тавсия қилинган (Б. П. Матвеев, К. М. Фигурин, О. Б. Карякин, 2016).Неосигмоцистис йўли билан сийдикни тўғридан-тўғри ичакка ўтказиш ва паст босим резервуарини ҳосил қилиш билан унинг модификацияси усули анча авайловчи ҳисобланади (Mainz-rouch II), ёки ректал қовуқни шакллантириш, аммо бу ҳолатда беморлар кўпинча ичак фаолиятининг ўзгаришларига қийин мослашадилар, бундан ташқари, бу усул асоратларнинг юқори даражаси билан бирга кечади (В.М.Попков, А.Н.Понукалин, В.А. Гордеева, 2016).Услугларнинг турличалиги сийдик деривацияси муаммосига унификациялашган ёндашувнинг ва сийдик йўллариининг «идеал» реконструкция услубининг йўқлигидан далолат беради. Кўпинча ингичка ичакдан ҳамда ичак цитопластикаси учун йўғон ичак турли бўлимларидан фойдаланилиши афзаллик ва камчиликлари масаласи бахсга сабаб бўлади, аммо бу масалада қовуқнинг ҳам ингичка, ҳам йўғон ичак пластикаси тарафдорлари мавжуд

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

(Hautmann R.E., 2015; Studer U.E., 2015; Denever A., 2018; D`Orazio O.R., 2015; Kato M., 2017 ва бошқ.). Surveillance Epidemiology and Results (SEER) маълумотлар базасида баъзи чекловлар бўлишига қарамай, таъкидлаш жоизки, кейинги 30 йилликда ушбу гуруҳ беморларини баҳолаш, мониторинг ва даволашдаги камчилликларнинг намоён қилган ҳолда қовуқ саратонидан ўлим кўрсаткичлари деярли ўзгармаган.

Мамлакатимизда сийдик айрув тизими ўсма касалликларни ташхислаш ва самарали даволаш тизими ташкиллаштириш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор тадқиқотлар олиб бормоқда (Тилляшайхов М.Н., Рахимов Н.М., Бойко Е.В.) бироқ, қовуқ инвазив саратонини хирургик даволашда гетротопик қовуқ резервуарини самарадорлиги баҳоланмаган.

Қовуқ саратони билан хасталанган беморларни радикал цистэктомия ёрдамида йўғон ичакнинг проксимал қисмидан ажратилган ҳолда детубуляризациясиз модификацияланган қовуқ резервуарини шакллантириш билан даволаш бевосита натижаларини баҳолаш ва радикал цистэктомия ёрдамида йўғон ичак проксимал қисмидан детубуляризациясиз модификацияланган ичак қовуқ резервуарини шакллантириш билан қовуқ саратони билан хасталанган беморларда метаболик бузилишлар ривожланишига таъсир қилувчи омиллар очиқ берилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг илмий–тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АДСС-9.2 «Кўкс оралиғи, қорин бўшлиғи орти ва кичик чаноқ ўсмалари ташхисоти ва даволашни ишлаб чиқиш» амалий грант лойиҳаси доирасида (2014-2018 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қовуқ инвазив саратони билан хасталанган беморларда радикал цистэктомия натижаларини континент гетротопик қовуқ резервуарини шакллантириш буйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш йули билан яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қовуқ саратони билан хасталанган беморларни радикал цистэктомия ёрдамида ичакнинг проксимал қисмидан ажратилган ҳолда детубуляризациясиз модификацияланган қовуқ резервуарини шакллантириш билан даволаш бевосита натижаларини баҳолаш;

радикал цистэктомия ёрдамида йўғон ичак проксимал қисмидан детубуляризациясиз модификацияланган ичак қовуқ резервуарини шакллантириш билан қовуқ саратони билан хасталанган беморларда метаболик бузилишлар ривожланишига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

йўғон ичак континент қовуқ резервуарини шакллантириш учун тавсия этилган услубнинг функционал самарадорлигини ва ушбу услуб модификацияси аҳамиятини баҳолаш;

даволаш усулини амалга ошириш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 2009–2018йилларда даволанган 80 нафар қовуқ инвазив саратони бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қовуқ инвазив саратон верификацияланган таъхисига эга беморлардан олинган гистологик материаллар, операция баённомалари, касаллик тарихи, ўсма касалликлари регистри маълумотларининг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, функционал-диагностик текширишлар (рентгенологик, ультратовуш, МСКТ текшириш), морфологик, хирургик ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўғон ичак кўтарилувчи қисмидан, детубуляризациясиз қовуқ резервуар шакллантириш хусусиятининг самарали даволаш тартиби асосланган;

детубуляризациясиз қовуқ резервуар ичи босими пастлиги, пешобни ўзида сақлаш, рефлюкс кузатилмаганлиги ва аппендикостомада пешобни ихтиёрсиз оқиб кетиш олдини олишга қаратилган жаррохлик амалиётини мумкинлиги исботланган;

қовуқ резервуар шакллантириш жаррохлик амалиёти натижасида, ананавий усулига нисбатан қоннинг биёкимёвий кўрсаткичлари (мочевина, креатинин, азот қолдиқлари) меъёрлашиши исботланган;

яратилган даволаш усулининг қўлланиладиган усуллардан қулайлиги, жаррохлик амалиётнинг вақти ва ҳажмининг қисқариши, жаррохлик амалиётни асоратларини камайиши, беморларнинг ҳаёт давомийлиги ва сифатини яхшилаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

радикал цистэктомия ўтказилган қовуқ саратони бўлган бемордаяхши бевосита, узоқдаги ва функционал натижаларини таъминловчи йўғон ичак проксимал қисмидан детубуляризациясиз континент қовуқ резервуари шакллантириш усулининг юқори самарадорлиги асосланган;

амалиётга татбиқ этилган замонавий усулда фойдаланилганда эрта ва кечки асоратлар ҳамда мажбурий қайта операциялар сонининг сийдикни континент чиқариш бошқа вариантларига нисбатан камлиги аниқланган;

қовуқ саратонида радикал цистэктомиядан кейин сийдик деривацияси турли усуллари арсеналида аппендикост назоратловчи бўшатиш билан йўғон ичак детубуляризациясиз қовуқ резервуари шакллантириш услуби ишлаб чиқилган;

йўғон ичак қовуқ резервуари шакллантириш услубининг тавсия этилган модификацияси эрта ва кечки операциядан кейинги асоратларни ишончли профилактикаси таъминлаганлиги асосланган;

қовуқ инвазив саратони бўлган беморларни даволашнинг энг мутаносиб тактикасини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий

жихатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, рентгенологик, ультратовуш, морфологик, нур ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, қовуқ инвазив саратонининг хирургик даволашда гетеротопик қовуқ резервуаридан фойдаланиш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қовуқ инвазив саратони ташхислаш ва даволаш хусусиятларидан фойдаланишнинг даволаш тактикасида муҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамияти, беморнинг ҳолати, ўсма дифференцировка даражасига боғлиқ равишда қовуқ инвазив саратонини даволашга комплекс ёндашув ишлаб чиқиш, узок натижалари қовуқ инвазив саратони хирургик даволашга бағишланган ўқитиш дастурлари мазмуни ва тузилишини такомиллаштириш имкониятини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қовуқ инвазив саратонини оператив даволашда детубурилизациясиз континентал гетеротопик қовуқ резервуарини шакллантирилганлиги ва клиник амалиётга жорий қилинган янги хирургик усули ҳамда амалиётнинг модернизация қилинган тактик-техник аспекти даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сони ва меҳнат, ижтимоий чекловларни камайтириш, ишлаб чиқилган даволаш алгоритм ташхисот ва даволаш сифатини яхшилаш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қовуқ инвазив саратонининг хирургик даволашда гетеротопик қовуқ резервуарини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

радикал цистэктомиядан кейин детубуляризациясиз континент қовуқ резервуарини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган «Радикал цистэктомиядан кейин детубуляризациясиз континент қовуқ резервуарини шакллантириш услуги» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 8н–д/219–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қовуқ инвазив саратони бўлган беморларни даволашда хирургик амалиётнинг самарадорлигини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

олинган илмий натижалар асосида қовуқ инвазив саратонининг хирургик даволашда гетеротопик қовуқ резервуарини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Наманган ва Жиззах филиаллари фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги 8н–д/219–сон маълумотномаси). Натижада амалиётга жорий қилиниши қовуқ инвазив саратони бўлган беморларга ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш спектри сезиларли даражада имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объектив а предметларитавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари га амалий ослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қовуқ инвазив саратонининг хирургик даволашнинг замоанвий талқини**» деб номланган биринчи бобида қовуқ саратони га бағишланган хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари илмий шарҳи таҳлил қилинган. Диссертант томонидан қовуқ саратони эпидемиологияси, этиологияси, комплекс ташхисоти ва даволаш бўйича маълумотлар келтирилган. Диссертант мавзуси ёритиш ва асослашда қовуқ инвазив саратони хирургик даволашнинг замонавий усуллари тавсия этган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Қовуқ инвазив саратонининг хирургик даволашда тадқиқот материали ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ўсма РИО ва РИАТМ урология бўлимида ўтказилган клиник текширувда биз қовуқ усти сийдик чиқариш турли модификацияларда радикал цистэктомия ўтказилган қовуқ саратони билан хасталанган 80 нафар беморнинг даволаш натижаларини ўргандик.


Радикал цистэктомия бажариш учун T₂-T₄ босқичдаги гистологик тасдиқланган қовуқ саратони дифференцировка (G1-G3) даражасидан қатъи назар, 75 ёшдан кичик ёш мезон сифатида олинди. Аввалги хирургик операциялар (қовуқнинг резекцияси, ТУРлар ва ҳ.к.), химиотерапия ва нурланиш, маҳаллий лимфатик тугунларга метастазлар (N1-N2) аниқланганда рухсат берилган. Сийдик деривацияси усули бемор умумий ҳолати, юқори сийдик йўллари фаолиятини ҳолати, ўсма жараёни локализацияси, ичак

тизими функционал ҳолатига боғлиқ ҳолда танланган. Қулай онкологик ва клиник вазиятда биз томондан ишлаб чиқилган аппендикостома орқали детубуляризациясиз (30 нафар бемор- 1 гуруҳ) ёки детубуляризация билан (50 нафар бемор- 2 гуруҳ) беморларга йўғон ичак сегментидан назоратланадиган бўшалиш имкони билан континент сийдик резервуари шакллантириш билан континент сийдик чиқариш вариантларидан бири бажарилган. Биринчи гуруҳ беморларини ёш интервали ва жинси бўйича тарқалиши қуйидагича: беморлар орасида аёлларга 13 (43,3%) нисбатан эркеклар аксариятни 17 (56,7%) ни ташкил этган, яъни уларнинг нисбати 1,1:1. Ёш диапазони –21 дан 78 гача, беморларнинг ўртача ёши $55,3 \pm 1,4$ ни ташкил қилган. Иккинчи гуруҳ беморларида ишлаб чиқилган аппендикостома орқали детубуляризация билан йўғон ичак сегментидан назоратланадиган бўшалиш имкони билан континент сийдик резервуари шакллантириш (50 нафар бемор - 2 гуруҳ) амалга оширилган.


Шундай қилиб, икки жадвални қиёсий ўрганиш натижалари кўрсатишича, барча гуруҳлардаги қовуқ саратони бўлган беморларда сезиларли фарқлар аниқланмаган, бу тадқиқотдан ишончли натижалар олинишига имкон берган. Келтирилган маълумотлардан кўринишича, беморларнинг аксариятини 45 дан 80 ёшгача эркеклар ташкил этган. Улардан атиги 7,5% анча ёш, 5,7% - 80 ёшдан катта бўлган.

Ҳаёт сифатини биз ESOG шкаласи (Eastern Cooperative oncology group) ўсмани текширишнинг шарқ кооператив гуруҳи ишлаб чиқилган, унинг моҳияти асосан беморнинг даволашгача ва даволашдан кейинги фаолияти эркинлигига асосланган. Услуг онкологик беморнинг умумий статусини балларда 0 дан (нормал фаоллик) 4 баллгача (бемор тўшакда, ўзига хизмат қила олмайди). Қониқарли жисмоний статусли (0 ва 1 статус) беморлар улуши кўпроқ.

Детубуляризациясиз континент ўзини катетеризация қилинадиган йўғон ичак сийдик резервуарини шакллантириш услуги. Радикал цистэктомия амалга оширилгандан кейин юқорида тасвирланган гетеротопик сийдик резервуари яратилганда, операция давомийлигини камайтириш ва чоклар бутунлиги бузилишини олдини олиш мақсадида ҳамда хирургик тажоввузни минималлаштириш учун детубуляризация босқичини бажармадик, бу эса операциядан кейинги асоратларни камайишига олиб келади. Тавсия этилган операция услугида сийдик резервуари яратиш операция босқичларини қисқартириш (жумладан, детубурилизация ўтказиш) ҳисобига авайлаб амалга оширилади, сийдик йўллари ва чамбар ичак орасида кенг анастомоз унинг стриктураси ҳосил бўлишини олдини олади. Сақлаб қолинган аппендикс сийдик резервуаридан даврий равишда сийдик эвакуацияси мақсадида кейинчалик катетер учун ўтказгич вазифасини бажаради.



1-расм. Детубуляризациясиз континент ўзини катетеризация қилинадиган йўғон ичак сийдик резервуари (А)



2-расм. Аппедикостоманинг шакллантириш (Б)

Беморларни текшириш усуллари. Барча беморларга анъанавий умумклиник ва урологик текширувлар: кўрик, қон ва сийдик тахлили, қон биокимёвий синамалари, сийдик бактериологик синамаси ўтказилди. Сийдик микроскопиясида сийдик чўкмаси (эритроцитлар, лейкоцитлар, тузлар кристаллари, бактериялар) ва шакли элементлар (эритроцитлар ва лейкоцитлар) 1 мл сийдикда) текширилди. Клиник кўрсатмалар асосида (сийдик йўли инфекциялари белгилари, сийдик чўкмаси микроскопиясида аниқланган бактериурия) инфекция кўзғатувчисини аниқлаш ва унинг антибиотикларга сезувчанлигини баҳолаш мақсадида сийдик бактериологик синамаси ўтказилди.

Ультратовуш текшируви «ToshibaAplio-500» ҳамда «SONOASE 4800» (Япония) аппаратларида амалга оширилди. Сканерлаш конвекс датчиклар ёрдамида 3,5; 5; 7,5 МГц. частотада бажарилди.

Цистоскопияни тубус диаметри 21 бўлган (Шарьер бўйича)эндоскоп («KarlStorz», Германия), ёрдамида бажарилди. Қовук саратони аниқланганда ташхисни верификация қилиш мақсадида биопсия амалга оширилди.

Рентгенологик текширувлар шархли ҳамда экскретор урография, кўтарилувчи ва пастга тушувчи цистография ёрдамида амалга оширилди.

Ўсма жараёнининг тарқалишини ва маҳаллий лимфа тугунларини жараёнга кўшилганлигини аниқлаш мақсадида кўрсатмалар асосида компьютер томографияси (3-авлод SJMATOMAR.TX «Siemens», Германия) ва магнит-резонанс томографияси («MagnetomOpen/Viva» аппаратида) усулнинг диагностик имкониятларини сезиларли равишда оширувчи қовукни контрастлаш ёрдамида амалга оширилди.

Экскреторурографияни қабул қилинган услуб ёрдамида 5, 15 ва 25 дақиқаларда буйрақлар экскретор фаолиятини ўрганиш ёрдамида ўтказилди.

Тадқиқот усуллари ва хажми 1-жадвалда тасвирланган.

Беморларни текшириш усулларининг миқдорий тақсимланиши

Текшириш усуллари	Беморлар сони	
	1 гуруҳ	2 гуруҳ
Физикавий кўрик	30	50
Умумклиник қон ва сийдик тахлили	30	50
Қон биокимёвий текшируви	30	50
Сийдик бактериологик текшируви	18	24
Рентгенологик текширув	30	50
Ультратовуш текшируви	30	50
Қовуқ биопсияси билан цистоскопия	30	50
Компьютер томографияси	18	29
Магнито-резонанс томографияси	12	21
Экскретор урография	10	11
Резервуарография (операциядан кейинги даврда)	18	38

ВМК билан касалликлар профилактикасига харажатлар иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самарани (касалликдан иқтисодий зарарни олдини олиш) харажатлар катталиги билан фарқи (абсолют иқтисодий самарадорлик) ёки уларнинг нисбати (нисбий иқтисодий самарадорлик) билан аниқланади.

$$\text{Эав} = \text{Ев} - \text{Эв}, \text{ сўм}$$

$$\text{Эов} = \text{Ев} / \text{Зв}$$

бунда: Эав – абсолют иқтисодий самарадорлик; Эов – нисбий иқтисодий самарадорлик; Ев – тенглама бўйича аниқланадиган иқтисодий самарадорлик; Зв – профилактик тадбирларга кетадиган харажатлар.

ВМК билан касалланишдан зарарни аниқлаш учун аввалги маълумотларнинг асосий манбалари: Меҳнат бўйича режанинг бажарилиши бўйича ҳисоблаш ведомости (21-шакл – меҳнат бўйича ҳисобот). Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича ҳисобот (16-шакл).

Олинган натижалар IBM Pentium-IV компьютерда дастур тўпламидан фойдаланилган ҳолда ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатолик (m), нисбий катталиклар (частота %), ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик ахамияти Стьюдент мезони (t) ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик ахамиятли ўзгаришлар $P < 0,05$ ишончлилиги даражасида олинди. Ўрганилган гуруҳларда ўртача қийматлар орасида фарқлар ишончилиги даражаси Вилкоксона-Ман мезонидан фойдаланиб аниқланди. Кичик гуруҳларда статистик ишловни талаб қилувчи ишончли натижаларни олиш учун Фишер аниқ мезони ва χ^2 Пирсон миқдорий қийматларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Бевосита натижаларни қиёсий баҳолаш» деб номланган учинчи бобида илмий иш натижалари келтирилган. Олдимизга қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун биз қовуқ саратони билан оператив даволанган, радикал цистэктомия бажарилган, РИОваРИАТМ урология бўлимида фойдаланиладиган сийдик деривациясини йўғон ичакдан назоратловчи бўшалишни детубуляризация билан ва детубуляризациясиз ўз-ўзини катетеризациялаш йўли билан континент сийдик резервуари шакллантириш орқали амалга оширилган беморлар натижаларини тахлил қилдик. Буйрак саратони хирургик усули энг радикал ва асосий усуллардан бўлиб, онкоурологияда поликомпонент терапиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабли хирургик даволаш қатъий кўрсатмалар билан амалга оширилиши ва назорат қилиниши керак. Хирургик даволаш назорати адекватликни баҳолаш тамойиллари ва даволаш натижалари асосида тузилади. Операциянинг яхши яқуни кўп томонлама операциядан кейинги даврнинг тўғри юритилишига боғлиқ. Тиббий ходимларнинг кучи қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилиши керак: муҳим аъзолар функциясининг тикланиши; буйраклар функцияси коррекцияси; меъда-ичак фаолияти тикланиши.

Бизнинг клиникамизда биринчи суткалардаёқ беморларга бурилишга, ёнбошлашга рухсат берилади. Эрта ҳаракатлар ва фаол нафас гимнастикаси операциядан кейинги асоратларнинг камайишига таъсир қилган.

Сийдик пассажи бузилиши белгиси буйракда оғриқ, биқинда тикилиш хисси, қалтириш, тана ҳарорати ошиши бўлган. Буйраклар ишлашини назорати билан бир қаторда меъда-ичак фаолиятининг нормаллашиши муҳим аҳамиятга эга. Ичак парези йўқлигида биз 3-кундан беморларга ширин чой, бульон, лимон шарбати, суюқ кисель, суюқ озуқа аралашмалари истеъмолига рухсат берганмиз. 5-кундан қирилган сабзавотлар, шўрвалар, суюқ бўтқалар, хом ва қайнатилган тухум истеъмолига рухсат берганмиз. 8-10-кундан беморни одатий енгил парhezга ўтказилади. Зарурат бўлганда парентерал озиклантириш операциядан кейинги 1-2-кун давомида 1500 ккал /сутка ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади. Одатда, газлар 2-3-суткадан кейин чиқиб кета бошлайди. Мустақил ич келиши – 4–6-суткадан. Биз 2–3 –кундан беморларимизга каравотда ўтиришга рухсат берганмиз.

Антибактериал даво кенг таъсир спектрдаги антибиотиклар (клафоран, лендацин, роцефин, абактал, офлоксацин) ёрдамида операциядан кейин 9-10 кун давомида амалга оширилди.

Ичак перези профилактикаси учун барча беморларга операциядан кейинги даврда церукал (10 мг дан ҳар 6 соатда мушак ичига меъда-ичак фаолияти тўлиқ тиклангунча) буюрилди. Зарурат бўлганда ичакни қўшимча стимуляцияси холинэстераза ингибиторлари (прозерин, убретид) ёрдамида ўтказилди.

Назогастрал дренажлаш операциядан кейин биринчи суткалар давомида барча беморларга, кейинчалик – гастростаз белгилари бўлганда амалга оширилди.

Хирургик давонинг бевосита натижаларини баҳолаш учун биз умум қабул қилинган Clavien-Dindo таснифидан фойдаландик.

Жаррохлик даволаш асорати–операциядан кейинги даврда нормал кечишидан ҳар қандай оғиш, у кўзда тутади:

- Негатив оқибатлар–бу ушбу амалиётга хос салбий ножўя таъсирлар, операция асоратларсиз амалга оширилган бўлиши мумкин, аммо муваффақиятсиз бўлиши мумкин.

- Агар операциянинг бошланғич мақсадига эришилмаса, унда бу асорат эмас, балки «даволаш етишмовчилиги»(беморнинг субъектив сезгиси).

Операциядан кейинги асоратларнинг частотаси жаррохликда аввалгидай энг кўп ишлатиладиган суррогатмаркер бўлиб, аммо урологияда хирургик асоратлар стандарт қўлланмалари ва ҳисобга олиш мезонлари мавжуд эмас.

Эрта ва кечки операциядан кейингиасоратларнинг қиёсий таҳлили

Қовуқ саратони бўйича радикал цистэктомиядан кейин сийдик деривацияси энг кенг тарқалган услубларидан Mainz-pouchI ва Indiana-pouch услублари ҳисобланади.Бунда бизнинг фикримизча, Indiana-pouch услуби афзалроқ, чунки у кўпроқ йўғон ичакни (кўр ичак ва кўтарилувчи ичак) чамбар ёнбош ичак минимал резекцияси билан ишлатишни кўзда тутади, шу билан бирга Mainz-pouch I усулида йўғон ичак сегменти билан бирга ёнбош ичак 50 см гача резекцияси зарур, бу эса операциядан кейинги даврда ёнбош ичак шиллик қавати реабсорбция фаоллиги билан боғлиқ ҳамда уни овқат ҳазм қилиш жараёнидан чиқиши натижасида оғир метаболик асоратлар юзага келишига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли биз Indiana-pouch услубини континент сийдик резервуари яратиш бўйича операцияларимиз асосига олдик. Бунда биз классик услуб бўйича шакллантирилган резервуар катетеризацияси ҳамда сийдик йўли-резервуар анастомозлари стриктураси ривожланиши билан боғлиқ адабиётларда ёритилган мураккабликларни камайтириш мақсадида унга «Текширув материал ва услублари» бобида ёритилган маълум модификацияларни киритдик.

Детубуляризациясиз йўғон ичак сийдик резервуари шакллантириш услуби бўйича операция қилинган 30 нафар беморларнинг барчаси оператив амалиётни яхши кўтаришди. Периоперацион ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Турли операциялар оқибатида юзага келадиган операциядан кейин юзага келган асоратларни биз икки – эрта ва кеч гуруҳга бўлдик.

Эрта операциядан кейинги асоратлардан 1 ҳолатда меъда-ичак тракти парези кузатилган, консерватив даволаш ёрдамида уни тўхтатилган, чап буйракдан сийдик пассажи бузилиши ва ўткир пиелонефритга олиб келувчи сийдик йўли-резервуар анастомози стриктураси юзага келиши (1 бемор), ишқорий даво билан тўхтатилган декомпенсацияланган метаболик ацидоз ва аппендикостома орқали шакллантирилган сийдик резервуари катетеризациясининг қийинлашуви (1нафар бемор), юрак-қон томир тизимининг декомпенсацияси, жумладан, тромбоземболия билан боғлиқ операциядан кейинги летал кўрсаткич (1 нафар бемор) кузатилган. Бу икки ҳолатда асоратлар қайта операция ўтказиш заруратини туғдирган:сийдик йўли-резервуар анастомози стриктурасибўлган беморда буйракларни

шошилишч дренажлаш пункцион нефростомия ёрдамида амалга оширилди ва кейинчалик яллиғланиш жараёни сусайгандан сўнг анастомоз реконструкцияси бажарилди, резервуар катетеризацияси қийин бўлган беморда аппендикостома коррекция қилинди. Иккала операция беморлар ҳолати меъёрлашувига олиб келди.

Операциядан кейинги кеч даврда 3 (10%) беморда 3 асорат қайд қилинган. 1 ҳолатда операциядан кейин 6 ой ўтгач, хирургик коррекцияни талаб қилувчи сийдик йўли-резервуар анастомози стриктурасишакланган. Стриктурани беморни режали кўриги вақтида аниқланган. Ультратовуш ва рентгенологик текширувларда ҳар икки буйрак косача-жом тизими дилатацияси аниқланган, қонда креатинин ва мочевино концентрацияси мос равишда 145 мкмоль/л ва 10,7 ммоль/л бўлган.

Режали равишда уретеро-резервуар анастомозревизияси амалга оширилган, бунда ушбу соҳада яққол ёпишиш жараёни аниқланган. Анастомоз реконструкциясидан кейин операциядан кейинги давр яхши кечган. Ҳар икки буйрак косача-жом тизими дилатациясикичрайган. Буйрак биокимёвий кўрсаткичлари меъёрлашган. Яна бир беморда сийдик йўлларида сийдик пассажи бузилиши белгиларисиз ўткир пиелонефрит ривожланган. Пиелонефрит хуружи консерватив терапия ёрдамида тўхтатилган.

Учинчи беморда узок битмайдиган оқма яра кузатилган, бу бемор томонидан сийдик резервуарини ўз-ўзини катетерлаш тартибига риоя қилинмаслиги билан боғлиқ бўлган. Сийдик резервуарини бўшатишининг қулай тартиби тиклангандан сўнг, хирургик коррекция зарурати бўлмаган ва оқма яра мустақил бекилган.

Шундай қилиб, беморларнинг бу гуруҳида 4 (13,3%) қайта операциялар (1 пункцион нефростомия, 2 сийдик йўли-резервуар анастомози ревизияси ва 1 аппендикостома ревизияси) бажарилган. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси муваффақиятли якунланган ва юзага келган асоратларни йўқотишга олиб келган.

Шундай қилиб, 1 гуруҳда Clavien-Dindo бўйича жаррохлик асоратлар 1 даражаси 1 (3,3%), III даражаси 1 (3,3%), IV даражаси 3 (10,0%), V даражаси 1 (3,3%) ҳолатда кузатилган.

3-жадвал

Биринчи гуруҳда эрта ва узокдаги даврда қайта операциялар

Операция тури	Беморлар сони
ПК нефростомия	1 (3,3%)
Лапаротомия. Ревизиялар. Сийдик йўли-резервуар анастомози реконструкцияси	2 (6,7%)
Лапаротомия. Ревизия. Аппендикостома реконструкцияси	1 (3,3%)
Жаъми	4 (13,3%)

Жаррохлик асоратлар бўйича қайта операцияларни таққослаганда аниқланишича, детубулярицион чокни қайта тикиш 2 гуруҳда 4±0,65% ҳолатда кузатилган ($p \geq 0,001$). Шу билан бирга уретеро-необладер анастомози

структураси сабабли ПК нефростомаси $3,3 \pm 0,4\%$ беморда бажарилган ($p \geq 0,001$). Сийдик йўли-резервуар анастомози реконструкцияси ва аппендикостома реконструкцияси каби асоратлар ҳар икки гуруҳда статистик ишончсиз бўлган ва бир хилда учраган.

Детубуляризация билан назоратланадиган бўшатиладиган йўғон ичак сийдик резервуарини шакллантириш натижалари таҳлили

Йўғон ичак сийдик резервуари билан таққосланадиган бошқа гуруҳ М.Н.Тилляшайхов томонидан тасвирланган модификацияда детубурилизация билан сийдик деривацияси амалга оширилган беморлар гуруҳи бўлган, истисно тариқасида йўғон ичак кўтарилувчи қисмидан шаклланган резервуар мушак пардаси ажратилган, чунки адабиёт манбалари маълумотлари бўйича резервуар «детубуляризацияси» ичак спонтан қисқаришларини истисно этмайди, аммо кўшимча хирургик жароҳат етказди. Ушбу услуб шубҳасиз, сийдикни терига чиқаришдан кўра кўпроқ физиологик, унинг мақсади назоратланувчи сийдик ажралишини анал сфинктер ҳисобига ичак резервуарида ушланиши билан амалга ошириш ҳисобланади.

Бу услуб бўйича 50 бемор операция қилинган. Т₄босқичдаги ўсма ва маҳаллий лимфа тугунларига метастазлар билан беморларнинг кўпроқ аниқланиши сезиларли фарқларга эга бўлган.

Яқин операциядан кейинги даврда 4 (8%) бемор вафот этган, улардан 3 нафарида меъда-ичакдан қон кетиши юзага келган ва консерватив даволаш натижа бермаган ҳамда хирургик амалиётни талаб қилган. Ўтказилган даволашга қарамай, беморлар асоратлар туфайли вафот этган. Яна бир бемор ўпка артерияси тромбоэмболиясидан вафот этган.

Летал яқунлардан ташқари, эрта асоратлар 17 (34%) ҳолатлари аниқланган. 5 (10%) ҳолатларда ичак узок муддатли парези кузатилган, парез дорилар билан даволашда тўхтатилган, 4(8%) беморда детубуляризация чок ёки сийдик йўли-резервуар анастомозлари етишмовчилиги, 3(6%) ҳолатда ўткир пиелонефрит, 2(4%) беморда операцион яра йиринглаши, 2(4%) беморда ўткир меъда яра касаллиги, 1 (2%) беморда ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ва пневмония 1 (2%) беморда кузатилган. Шундай қилиб, эрта асоратларнинг умумий частотаси 38% ни, летал яқунсиз 34% ни ташкил этган.

Асоратларнинг анча кўп сонига қарамай, уларнинг барчасини йўқотишга ва беморлар ҳолатини турғунлаштиришга эришилган.

Узоқдаги операциядан кейинги даврда энг кўп учровчи асорат декомпенсацияланган гиперхлоремик метаболик ацидоз бўлиб, 8 (16%) беморда ишқорли терапияни талаб қилган. Терапия фонида барча беморларда қон биокимёвий кўрсаткичлари 6 ой давомида меъёрлашган.

Бошқа асоратлардан адекват антибиотикотерапия билан тўхтатиладиган ва сийдик йўллари дренажланишини талаб қилмайдиган пиелонефрит хуружи 6 (12%) беморда, консерватив тадбирлар билан тўхтатиладиган динамик ичак тугилиши 3(6%) беморда, операциядан кейинги чурра ривожланиши 1(2%) беморда кузатилган.

Умуман олганда кеч асоратлар частотаси 18(40%) беморда кузатилган.

4-жадвал

Иккинчи гуруҳда операциядан кейинги эрта ва узокдаги даврда қайта операциялар

Операция тури	Беморлар сони
Лапаротомия.Ревизиялар. Детубулярицион чокни қайта тикиш	3 (6%)
Сийдик йўли-резервуар анастомозиреконструкцияси	1 (2%)
Лапаротомия. Ревизия. Аппендикостома реконструкцияси	2 (4%)
Операциядан кейинги чурра	2 (4%)
Жами	8 (16%)

Эрта ва кеч операциядан кейинги даврда қайта операциялар 8 беморда (3 нафариди – детубулярицион чокни қайта тикиш, уларнинг етишмовчилиги бўйича, 1 – сийдик йўли-резервуар реконструкцияси 2 – аппендикостома реконструкцияси ва 2 – операциядан кейинги чурра ликвидацияси) ўтказилган. Шундай қилиб, эрта ва кеч қайта операциялар даражаси 16% ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, иккинчи гуруҳда Clavien-Dindo бўйича хирургик асоратлар I даражаси 14 (28%), II даражаси 12 (24%), III даражаси 8 (16,0%), IV даражаси 4 (8%) ҳолатда аниқланган.

Сийдик йўли-ичак анастомозларининг шаклланишига биз томонимиздан киритилган ўзгаришлар резервуар-сийдик йўли рефлюксларининг ривожланишини олдини олиш ва яқин ва узокдаги операциядан кейинги даврда ўткир пиелонефрит ривожланишини минимумгача туширишга имконият яратади. Биз томонимиздан кузатилган анастомоз стриктураси 2 ҳолати анастомозлаш соҳаси атрофида чандиқ жараёни ривожланиши (анастомоз соҳаси ревизияси вақтида аниқланган) билан боғлиқ ва анастомозлаш жараёни етишмовчиликларига киритилиши мумкин эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам қайта операция сийдик оқиши меъёрлашувига олиб келган. Атиги бир беморда ўткир обструктив пиелонефрит бўлиб, муваффақият билан даволанган.

Юқорида келтирилганларнинг асосида биз операция услубини бажаришга кўрсатмаларни тавсия қиламиз: T_{2a}N₀M₀ – T_{4a}N₀M₀ босқичдаги ўсмалар; Беморнинг тахминий яшаш муддати 5 йилдан кам эмас; меҳнат қилиш қобилиятидаги ёшдаги беморлар; трансуретрал резекция ёрдамида ўсма олиб ташланиши мумкин эмас, аммо ўсма қовуқ атрофи билан чегараланган; узокдаги метастазлар йўқ.

Операцияга қарши кўрсатмалар деб ҳисоблаймиз: Оғир ёндош касалликлар; қандли диабет (бу беморларда тўқималар регенерацияси қобилиятининг пастлиги); беморнинг умумий аҳволи оғирлиги; постгеморрагик камқонлик; буйрак фаолиятининг оғир бузилишлари; анамнезда аппендэктомия мавжудлиги. Биринчи гуруҳда буйраклар ва юқори сийдик йўллари ҳолатини рентгенологик баҳолашда аниқланишича, мўътадил пиелоектазия 5 (16,7%) беморда сақланиб қолган,

жумладан, операциягача буйрак блоки бўлган беморда ҳам, бу 22,7% ни ташкил этган. Бу беморларнинг 2 нафарида пиелоектазия икки томонлама бўлган. Аммо қоннинг биокимёвий текшируви кўрсатишича, дастлаб 4 беморда бузилган буйраklar функцияси операциядан кейинги даврда меъёрлашган – мочевинова креатинин кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлган.

Бошқа биокимёвий кўрсаткичлардан калий концентрацияси ошиши 3 беморда, натрий концентрацияси камайиши 4 нафар беморда, хлор концентрацияси ошиши 4 нафар беморда кузатилган. Бу метаболик ўзгаришлар бизнинг фикримизча, гиперхлоремик ацидознинг бошланғич белгилари бўлиб, ингичка ичак шиллиқ қаватининг реабсорбцион хусусияти сақланганлиги билан боғлиқ. Аммо кузатилган ўзгаришлар сезиларсиз намоён бўлган, вақт ўтиши билан авж олмаган ва қўшимча медикаментоз коррекцияни талаб қилмаган.

Иккинчи гуруҳда беморлар қонини текширганда хлор концентрацияси ошиши (гиперхлоремик ацидоз) кузатилган, калий ва натрий концентрацияси ўртача пасайган (5-жадвалга қаранг). Даволаш фониди барча беморлар қонида биокимёвий кўрсаткичлар меъёрлашган.

5-жадвал

Операциягача ва операциядан кейин қон биокимёвий таркиби бузилишлари бўлган беморлар сони

	Операциягача беморлар (%)	Операциядан кейин беморлар (%)
Мочевина (> 7,2 мМ/л)	4 (8%)	4 (8%)
Креатинин (> 0,12 мМ/л)	4 (8%)	3 (6%)
Калий (< 3,5 мМ/л)	1 (2%)	14 (28%)
Натрий (<135 мМ/л)	1 (2%)	12 (24%)
Хлор (>107 мМ/л)	0 (0%)	14 (28%)

Сийдик резервуари шакллантириш усулини танлаш иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқот материал ва услублари тасвирланган бобда тасвирланганидек, операция хажмида фарқлар гетеротопик сийдик резервуари шакллантириш босқичида детубуляризация ўтказиш ёки ўтказмасликдан иборат эди.

Операциянинг ҳар қайси босқичида биз оператив амалиёт тезлиги ва давомийлигини ўргандик: 1-босқич: терини кесиш – лапаротомия; 2-босқич: цистэктомия+лимфодиссекция ўтказиш; 3-босқич: ичак мобилизацияси; 4-босқич: детубуляризация; 5-босқич: спатуляция ва сийдик йўллари тикиш. Биринчи гуруҳ беморларини ёш интервали ва жинси бўйича тарқалиши қуйидагича: беморлар орасида аёлларга 13 (43,3%) нисбатан эркаклар аксариятни 17 (56,7%) ни ташкил этган, яъни уларнинг нисбати 1,1:1. Ёш диапозони –21 дан 78 гача, беморларнинг ўртача ёши 55,3±1,4 ни ташкил қилган; 6-босқич: аппендикостома шакллантириш. Албатта, бу босқичлар орасида 4-босқич энг маъсулиятли ва энг муҳим ҳисобланади.

Операциянинг 1-босқичи лапаротомияни биз қулайлаштирдик ва уоперация умумий вақтининг 7 дан 10 минутгача вақтини ташкил этади. Бу босқич ўз ичига терини кесиш, апоневроз, лапаротомия, қорин бўшлиғи аъзоларини ревизияси билан Сигал яра кенгайтиргичини қўйишни ўз ичига олади (6-жадвал).

6-жадвал

Алоҳида босқичларга сарф этилган вақт

Операция босқичлари	Стандарт усул вақт (дақиқа)	Модификацияланган кириш вақт (дақиқа)
